



220200 Богот шаҳарчаси Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Tel:31-51-807, faks:31-52-425

2020 йил «24» Март

№ 62/и

Богот шаҳарчаси

Нусха № 1

Богот тумани “Олтинкум” шаҳарчасида жойлашган фуқаро Исмоилов Шермат Ботировичга қарашли “Китоб ва канцелярия моллари дўкони” биносини бузиб, қайта ихтисослаштириб, ўрнида “Китоб ва канцелярия моллари дўкони, озиқ ва ноозиқ овқат моллари савдо дўкони” бинолари қуришга рухсат бериш тўғрисида

Богот тумани архитектура ва қурилиш бўлимининг Богот тумани “Олтинкум” шаҳарчасида жойлашган “Китоб ва канцелярия моллари дўкони” биносини бузиб, қайта ихтисослаштириб, ўрнида “Китоб ва канцелярия моллари дўкони, озиқ ва ноозиқ овқат моллари савдо дўкони” бинолари қуриш учун туман хокимининг қарорини чиқариб беришни сўраб туман хокимлигига йўллаган сўровномасини, Богот тумани қурилиш бўлимининг 2019 йил 06 декабрдаги 0495-сонли рухсатномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик Кодексининг 20-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий Давлат хокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 25-моддасига асосланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Богот тумани “Олтинкум” шаҳарчасида жойлашган фуқаро Исмоилов Шермат Ботировичга қарашли “Китоб ва канцелярия моллари дўкони” биносини бузиб, қайта ихтисослаштириб, ўрнида “Китоб ва канцелярия моллари дўкони, озиқ ва ноозиқ овқат моллари савдо дўкони” бинолари қуришга рухсат килинсин.

2. Фуқаро Исмоилов Шермат Ботировичга ушбу ер майдони бўйича белгиланган муддатда туман архитектура ва қурилиш бўлиmidан архитектура режалаштириш топширигини ишлатиш, махсус лицензияга эга лойиҳа ташкилоти томонидан лойиҳа хужжатларини тайёрлатиш ва экспертизадан ўтказиш ҳамда Хоразм вилояти Давлат архитектура қурилиш

назорати Инспекциясидан қурилиш монтаж ишларини бошлаш учун рухсатнома олиш вазифалари топширилсин.

3. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қурбанов)га ушбу ер майдонида олиб бориладиган қурилиш ишларини тайёрланган лойиҳа ҳужжатлари асосида бажарилишини назорат қилиш вазифалари топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари вазифасини бажарувчи С.Хўжаниёзов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



О.Холбоев